

Ўзбек адабиётида публитсист, очеркнавис ва драматург сифатида танилган Назир Сафаров 1905 йили Жиззах шаҳрида темирчи оиласида туғилди. У совет мактабларида ўқиди, биринчи зиёлилар катори узок кишлопларга бориб дарс берди. Комсомол сафига кирди. Жиззахда ташкил килинган «Санои нафиса» тўгараги бўлгуси драматургда театр санъатига катта муҳаббат уйготди.

Назир Сафаров ўзбек драматургиясининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган «Тарих тилга кирди» (1931), «Уйгониш» (1939), «Шарк тонги» (1954) каби сахна асарларини яратди. «Уйгониш»да 1916 йил кўзголони, «Шарк тонги»да Октябр инкилоби, «Тарих тилга кирди» (Зиё Сайд билан биргаликда ёзган)да миллий низолар, «Кимга тўй, кимга аза»сида ишчилар синфининг янгилик учун жанг жадали асосий мавзудир.

Драматургия соҳаснадиги катта хизматлари учун Н. Сафаровга (1955) Ўзбекистоидаги хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони берилди.

Улуг Ватан уруши даврида Назир Сафаров фронтнинг олдинги жабхаларида бўлиб, жангчиларнинг қаҳрамонлигини, душманнинг ёвузлигини хикоя килувчи «Ўк ўтмас ботир», «Водиллик қаҳрамон», «Комиссар Корабоев», «Севги», «Сўнгги нафасгача», «Ўзбек фарзандлари», «Қаҳрамоннинг туғилиши» каби катор очерклар ёзди. Унинг хаётдаги янгиликлар, яхши ташаббуслар таргиточиси сифатида пахтачилик, механизатсия соҳасида хотин-қизларнинг ролини акс эттирувчи асарлари хам диккатга сазовор. Хотин-қизлар орасидан етишиб чиккан биринчи зангори кема капитани Турсуной Охунова, унинг ташаббуси, эл олдидаги обру-еътиборидан баҳс этувчи «Ўзокни кўзлаган аёл» киссаси шулар жумласидандир.

Ёзувчининг 1954—1957 йилларда яратган замонавий мавзудаги катта асарлари «Хаёт мактаби» ва «Елмурод» (хамкорликда) пъесаларидир.

Назир Сафаров бир канча хикоялар хам ёзган. «Олтиной», «Олма олмадан узокка тушмайди», «Аҳмадали ўз баҳтини кандай топди» хикоялари гоявий-бадиий жихатдан пухталиги билан диккатга сазовордир. Унинг 60-йилларда яратган «Бир томчи кон» (1967), «Кўрган кечиргандарим» (1968) номли киссалари, «Наврўз» (1973) романи адабиётимиз ютукларяни кўрсатувчи асарлар каторидан жой олди. «Кўрган кечиргандарим» асари учун муаллифга (1968) Хамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилди.

Адид немис-фашист боскинчилари устидан козонилган галабанинг 30 йиллигига багишлаб, ўзбек жангчиларининг қаҳрамонликларидан хикоя килувчи «Лукаш ботир» (Я. Худойкулов билан хамкорликда) драмасини яратди.

У 1975 йилда 70 ёшга тўлиши муносабати билан Ўзбекистон халк ёзувчиси унвони ва 80 ёши баҳонасида Халклар дўстлиги ордени олишга муюссар бўлди. Кўп оътмай, 1985 йилда вафот этди.